

Соч ва тирноқ қанча ўстирилади?

19:07 / 24.04.2016 4368

Кўча-кўйда йигитларнинг соч ва тирноқларини узун қилиб ўстириб юришганини ёки аксинча қиз-аёлларнинг сочи жуда калталигини кўриб қоламиз. Бу борада динимизнинг талаблари қандай?

ЖАВОБ: Бу маънода мукаммал динимиз Ислонинг ўзига яраша кўрсатмалари бор. Инсоннинг ички олами каби ташқи қиёфаси ҳам гўзал бўлиши Ислонда талаб қилинган. Шунинг учун ҳар бир мусулмон фарзанди ўзининг тозалиги, поклиги, гўзаллиги ҳақида қайғуриши лозим. Эркак ва аёл ҳафтада бир марта тирноқларини олиши керак. Уни узун қилиб ўстириб юриш Ислон одобига ҳам, Ислон кўрсатмасига ҳам, Суннатга ҳам мутлақо зид иш бўлади.

Шу каби сочни эҳтиром (парвариш) қилиш деганда уни тоза тутиш, тараш, авайлаш, гўзал қилиб юриш маъноси тушунилади. Соцнинг узун-қисқалиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, эркак кишининг сочи эркакникига ўхшаган бўлиши лозим. Қисқа бўлиши тарғиб қилинишининг сабаби шуки, ғусл пайтида бирор тола тагига сув тегмай қолса, ўша жой жаҳаннам оташида куйиши ҳақида ҳадислар бор. Бироз ўстириш эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари ўсиб, қулоқлари юмшоғидан бироз пастга тушиб тургани тўғрисидаги ривоятларга асосланган.

Аёлларнинг сочлари қадимдан узун бўлган. Шунинг учун уларга баъзи вақтда, ҳатто ғусл пайтида ҳам соч ўримларини ечмасликка рухсат этиб, шариат маълум енгилликлар берган. Лекин аёллар билан эркакларнинг сочлари кўриниши бир-бирига ўхшаш бўлмаслиги керак. Яъни, аёл сочини эркакларникига ўхшатиб олмаслиги ва эркак киши сочини аёлларникига ўхшатмаслиги керак. Бу ҳаром нарса, бу нарсага мутлақо йўл қўймаслик лозим (Аллоҳ билувчидир).